

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «13» 6

2022-136-13-190-ОВ-

Тўрткўл ш.

сон

Ташкилот: Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар А.Юсуфов бир тарафдан, Иккинчи тараф ташкилот “Тўрткўл тумани йўллардан фойдаланиш” УК (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи) номидан ўзининг устав ва низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар: У.Матназаров пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартномага асосан, Пудратчи “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан, Тўрткўл тумани Эркин кўчасини 0-0,496 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, тегишли меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда, бажаришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Буюртма” чи ўз навбатида, “Пудратчи” томонидан, бажарилган хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.3. Мазкур шартнома асосида, бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг тафсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1. “Пудратчи” томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин “Буюртмачи” ишларни далолатнома асосида, далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.
- 2.2. “Пудратчи” шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат беради ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 2.3. “Пудратчи” хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат даври давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг умумий **302 434 475** баҳоси: (Уч юз икки миллион тўрт юз ўттиз тўрт минг тўрт юз етмиш беш) сўми ташкил қилади. Шундан, ҚҚС сўммаси **39447975** сўми ташкил қилади.
- 3.2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 70 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

- 4.1. “Пудратчи” мазкур шартномага асосан, барча мажбуриятлари қонуқга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.
- 4.2. “Пудратчи” шартнома бўйича, хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда бажаради.
- 4.3. “Пудратчи”, кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат беради.
- 4.4. “Пудратчи” хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганда, барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

“Пудратчи” нинг ҳуқуқлари:

- 4.5. “Пудратчи” “Буюртмачи” дан, кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб тўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишга.
- 4.6. “Пудратчи” “Буюртмачи” дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни талаб қилишга.
- 4.7. “Буюртмачи” шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, буюртмачини Қорақалпоғистон Республикасининг Иқтисодий судига беришга

“Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- 4.8. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан, кўрсатилган хизматларнинг

хисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш.

4.9.Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни конунларга мувофиқ тарзда бажариш.

4.10.Шартномага асосан,"Пудратчи" томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

"Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

4.11."Пудратчи"дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ бажаришини талаб қилиш.

4.12."Пудратчи Курساتилаётган хизматлари давомида, меъёрлар ва нормалардан чекланишга йўл қўйганида,"Пудратчи"ни огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

4.13."Пудратчи" мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганида,"Пудратчи"ни Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судига беришга ҳақли.

V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Пудратчи ўз вақтида буюртмада кўрсатилган хизматларни Буюртмачига ўз бажарилмаган тақдирда, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига хизмат кўрсатишни кечиктириб бажарганда ҳар бир кун учун иш ҳажмининг қийматининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Шартноманинг 2.1. бандига асосан Пудратчи томонидан кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда Буюртмачи кўрсатилган хизматни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан кўрсатилган хизматнинг қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима ундириб олишга, агар маҳсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.3. Пудратчи етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориде пеня тўлайди.

5.4. Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

6.1.Мазкур шартноманинг мажбуриятлари тарафлар томонидан конун доирасида бажарилиши лозим.

6.2.Тарафлар шартнома бўйича, ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини тўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.

6.3.Шартнома мажбуриятлари "Пудратчи" томонидан, 45 кун ичида тўлиқ тугатилади.

VII. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1.Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Ҳазначилик бўлинимасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача амал қилинади.

7.2.Мазкур шартноманинг бажарилиш муддатига томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

8.1.Мазкур шартнома бўйича,ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан тақдирда,тарафлар қоида тарикасида,уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

8.2.Тарафлар ўртасида келиб чиққан,келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал қилинмагач,белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт судида ҳал қилинади.

IX . КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

9.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

800V.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: ХУ38805502

- қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

9.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдამчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйин ўтказилмаслигини кафолатлайди.

9.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдამчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

X. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

9.1. Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли яъни енгиб бўлмаас кучлари фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган ёнгинлар, жала, дўл, сел, сув ташқини, зилзила) туфайли бажармаганлигини неботлаасалар, жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари лозим.

XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

10.2. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилди, ушбу нусхаларнинг барчаси бир хил юридик кучга эга.

10.3. Мазкур шартнома, мажбурий тартибда, давлат Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга кирди.

XII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

Пудратчи

Буюртмачи

Тўрткўл тумани йўллардан фойдаланиш”

Ободонлаштириш бошқармаси

УК

Турткульского района

Ул Тошкентская Турткульского рай

Ул Турткульская 55

Тел ; (61) 533 06 31

Тел (61) 532-33-28

Р/с ; 22626000600420895004

Л/с 401722860352337065200110008

ВЕД Нац.банк КК отд Ткрткульского рай

Р/С 2340200030000001010

МФО 00846 Инн 200393384

ИНН 204633184 МФО 00014

Бошлик: Магназаров

Бошлик: А.Юсунов

М.П.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **Xo'jalik shartnomasi**
2. Loyihaning nomi: To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasining **"To'rtko'l tumani yo'llardan foydalanish"** UK bilan umumiy narx 302 434 475 so'm bo'lgan Pudrat shartnomasi to'g'risidagi shartnoma loyihasi.
3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasini tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 11-iyun kuni dasturga kiritilgan.
4. Ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksihig 354-moddasi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgust kungi "Xo'jalik yurutuvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 670-1 sonli Qonunining 10, 13, 25, 26 va 32- moddalari, shuningek O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi O'RQ 684-sonli qonuninng 9-bobi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»gi 6313-sonli Farmonning 1-bandi 4 xatboshisi va 3-bob v kichik bandlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tumani Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:



D.Allabergenov
13. 06. 2022 yil

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи А.Юсупов



« 14 » Июнь 2022 йил

**Тўрткўл тумани Эркин кўчасининг 0-0,496 км қисмини жорий таъмирлаш учун
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган**

93930/3 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

Комиссия раиси:

А.Юсупов- Тўрткўл туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов Туман молия бўлими мутахассиси,
комиссия аъзоси

Р.Раимов Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов Механик, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон қилди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши хақидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 1 июн куни №22110012093930 лот бўйича ва 2022 йил 9 июн кунги №93930 сонли баёнома бўйича ҳеч қандай этроз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Қонун талабларига ва юқоридаги кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1.Тўрткўл тумани Калдирғоч кўчасининг 0-0,292 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлов ҳужжатларидан ҳамда танолов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов ғолиби деб УП ТO`РТКО`L TUMAN YO`LLARDAN 302 434 475 сўм (ҚҚС билан бирга) шартнома тузилсин.


2.Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тағдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги катнашувчи (резерв) қилиб “ООО TURTKULBEKZOD TRANS” билан белгилансин. Бунда Ғолиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

3.Қонун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларининг таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.


4.Ташкилотнинг бош хисобчиси М.Нуриев танлов якуни бўйича ғолиб билан шартнома хужжатларини таёрлаш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.


5.Танлов комиссияси котиби Х.Севиндиқов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сакланиши таъминлансин.


Комиссия раиси:

А.Юсупов-  Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи , комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев  -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулиμβетов  Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Р.Раимов  Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов  Механик, комиссия аъзоси